Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 179 (20. 147) ● 1988 йил 6 август, ● шанба ● Баҳоси 3 тийин.

## Пахтакор ўртоқлар!

● Дала ишларини озарбайжонлик, тожикистонлик, туркманистонлик қардош мусобақадошлар берган қимматли маслаҳатлар ва тавсиялар асосида ташкил этиб, барча пайкалларда мўл ҳосил етиштиришга эришингиз.

● Зараркунандаларга қарши курашнинг самарали усулларидан кенг фойдаланайлик.

● Парваришда сўнгги ишлов беришга киришган илғор хўжаликлардан ўрнак олинг.

● Ҳосил тақдири Сизнинг бугунги фидокорона меҳнатингиз, меҳрингиз ва қалб қўрингизга боғлиқ.

# ПАРТИЯ ҲАЁТИДА МУҲИМ ДАВР

**КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини амалга оширишда муҳим ва масъулиятли босқич — партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар бошланиш арафасида. Партия қуйи бўғинлари — партия группалари ва цех партия ташкилотларида эса бу тадбир қизғин давом этяпти.**

**Ҳозирги ҳисобот-сайлов кампаниясининг характерли жиҳати шундаки, у жадаллаштириш ва қайта қуриш учун кураш айни долзарб паллага кирган, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган вазифалар изчиллик билан жорий этилаётган бир даврга тўғри келди. Олдингиларига ўхшамайдиган бу галги ҳисобот ва сайловлар партиянинг барча бўғинларида — партия группаларидан тортиб район, шаҳар, область партия ташкилотларигача ўтказилади. У партиянинг социал-иқтисодий, маданий қурилишнинг барча участкаларига раҳбарлиги усул ва услубларини тубдан янгилаш ва такомиллаштиришга зўр берилаётган пайтда ўтяпти. Ҳисобот ва сайловлар партия ташкилотлари учун ўзини-ўзи жиддий текширишдан ўтказадиган, жамият олдида топшириладиган масъулиятли имтиҳон бўлади. «...Бу ҳар биримиз топширилган ишни қандай бажараётганлигимиз, қайта қуришга қандай ҳисса қўшаётганлигимиз тўғрисида, ҳамма ҳам қайта қуришни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги гапларни зарур ишлар билан мустаҳкамлаяптими ёки йўқми, шу ҳақда очиқ-ойдин, рўй-рост ва ҳалол, чинакам партиявий гаплашиб олиш бўлади. Бундай ёндашув партия йиғилишларини ва конференцияларидаги суҳбатнинг асоси бўлиши лозим. Бу конференциянинг ишчанлик кўпроқ бўлсин, натижа кўпроқ бўлсин, деган талабига мос келади», — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети июль Пленумида. Ушбу Пленум бўлажак ҳисобот ва сайловларни қандай тарзда ўтказишнинг батафсил йўл-йўриқлари ҳамда муддатларини белгилаб берди.**

**Ҳисобот ва сайлов йиғилишларига, конференцияларга пухта тайёргарлик кўришнинг энг яхши йўли давлат планларини ҳеч сўзсиз бажариш, меҳнат коллективларида ғайрат-шижоат билан ишлаш муҳитини вужудга келтиришдан иборат. Ҳисобот ва сайловларни принципиаллик, масъулият, ишчанлик руҳида, демократия ва ошкоралик асосларда ўтказиш, бунга қатъий амал қилиш — ўртага қўйилган энг муҳим талаблардан бири. Шунингдек ҳамма нарсани олдиндан белгилаб қўйишнинг ҳар қандай кўринишларини истисно этиш, ишларнинг аҳволига, одамларни ҳаяжонлантираётган барча масалаларга холис ёндашиш айниқса, муҳимдир. Йиғилишларда дабдабабозлик, қилинган ишларга ортиқча баҳо бериш, сўзамолликка ўрин бўлмаслиги керак.**

**Халқ хўжалигини бошқариш, фан-техника тараққиёти ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг туб муаммолари, иқтисодий ислоҳот, коллектив ва ижара пудрати, экономикага раҳбарликнинг янгича шароитида ишлар аҳволи, қайта қуриш талабларидан келиб чиқадиган долзарб масалаларни ҳисобот-сайлов йиғилишларида атрофлича муҳокама этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ижодий меҳнат, сўз ва иш бирлиги, ташаббускорлик ва масъулият, ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанлик йиғилиш ва конференцияларда доимо диққат-эътиборда турадиган вазифалардир. Ҳисобот-сайловларни шундай ўтказиш кераки, у коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини оширишга, партия ички демократиясини чуқурлаштиришга, омма билан ишлаш усул ва услубларини такомиллаштиришга хизмат қилсин. Жанговарлик кўриги ва коммунистлар аттестацияси қандай ўтказилаётгани, шу юзадан белгиланган тадбирлар қай тарзда амалга оширилаётганлигига ҳам алоҳида эътибор берилади.**

**Ошкоралик, аниқ мақсадга қаратилган танқид ва ўз-ўзини танқид йиғилишларнинг мағиз-мағзига сингдириб юборилиши зарур. Бу ҳақда йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш пайтида узлуксиз эслатиб туриш ва шунга эришиш лозим. Сабаби — баъзи партия ташкилотларида танқиднинг кучи, айниқса, қуйидан бўладиган танқиднинг роли ва таъсирчанлиги сезилмаяпти. Масалан, Нишон, Нурота районларида айрим бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида партия комитетлари бюроси ва секретарлари номига жиддий танқидий фикр ва мулоҳазалар айтилмаяпти. Бухоро область йўл қурилиши бошқармаси партия ташкилоти йиғилишларида музокаралар нотиқнинг ишига доир ҳисоботларга айланиб қоляпти. Коммунистларнинг қуруқ ваъзхонликка берилиб кетаётгани, танқидлар аниқ кишига қаратилмаётгани оддий ҳолга айланиб қолмоқда. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг турғунлик давридаги ҳолатдан жуда қийинчилик билан чиқаётгани айниқса, ташвиш туғдираётир. Бундай аҳвол билан эса энди келишиб бўлмайди. Ҳар бир партия аъзосининг Уставда қайд этилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, таклифини, танқидий фикр ва мулоҳазаларини билдириши учун барча зарур чораларни кўриш керак. Муҳокама этилаётган масалага муносабат билдирмаслик ёки танқидни бўғиш ҳоллари қаттиқ қораланиши зарур.**

**Навбатдаги ҳисобот ва сайловларнинг аввалгиларидан фарқ қиладиган яна бир жиҳати шундаки, унда раҳбар партия органларини сайлаш ҳам янгича усулда ўтади. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов тўғрисида»ги қарорига биноан номзодлар кўрсатиш ва муҳокама қилиш, яширин овоз бериш учун бюллетенга мандатда белгиланганидан кўпроқ номзодларни киритиш, юқори партия органлари составига қуйидан номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини амалга ошириш тартибига биринчи марта риоя қилиняпти. Шу билан партия органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимда бўлишни икки беш йиллик муддат билан чеклаш тўғрисидаги қоида ҳам амалда жорий этилади. Муддатни ҳисоблаш эса ушбу ҳисобот-сайлов кампаниясидан бошланади. Пленум қарори билан коммунистларга ҳар бир раҳбар тўғрисидаги масалани, у ана шу лавозимда қанча вақт ишлаганлигидан қатъи назар, кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳуқуқлари ҳам берилди. Улар мазкур раҳбар ўзига топширилган вазифани қандай бажараётганлиги, ишни сифат жиҳатдан яхшилашга қодир ёки қодир эмаслигини ҳамиша эътиборда тутадилар.**

**Аммо шуни сира унутмаслик кераки, ҳар қандай ҳолда ҳам раҳбар партия органларига фақат серғайрат, ташаббускор, обрўли, сўзда эмас балки амалда қайта қуришни олға силжитишга, омма ўртасида ишни омилкорлик билан олиб боришга, реал, амалий натижаларга эришишга қодир бўлган кишиларгина сайланади. Ҳисобот-сайлов кампанияси партия кадрлари составини янги кучлар билан тўлдириш, партия раҳбарлигининг турли бўғинларини сиёсий етук, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган билимдон ходимлар билан мустаҳкамлашга ҳам имкон беради.**

**Ҳисобот ва сайловларда эътибордан қочириладиган майда-чуйда ишлар бўлмайди. Ҳамма жойда бу муҳим тадбирни аъло даражада ўтказишга эришиш муҳимдир. Область, шаҳар ва район партия комитетлари секретарларидан, бюро аъзоларидан бошланғич ташкилотлар фаолиятига эътиборни кучайтириш талаб қилинади. Матбуот, телевидение ва радио ҳисобот-сайловларнинг боришини кенг ёритишлари керак. Йиғилиш ва конференцияларнинг ўтиши, улардаги вазият, коммунистлар кўтариб чиқаётган масалалар, қабул қилинган қарорлар, сайлаб қўйилган партия органларининг состави, шунингдек танқидий фикр ва мулоҳазалар, таклифлар қандай амалга оширилаётгани ҳақида кенг жамоатчилик изчил хабардор қилиб борилиши ошкораликнинг энг муҳим талабларидан биридир. Хуллас, шунга эришмоқ кераки, ҳисобот ва сайловлар кампанияси партия кучларининг қайта қуриш давридаги жанговарлик кўригига айлансин.**

### ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти «М. С. Горбачев. Танланган нутқлар ва мақолалар» тўпламининг биринчи ва иккинчи томларини ўзбек тилида чоп этди.

Улар ўтган йили Москва Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарган китобларнинг таржимасидир.

(ЎзТАГ).

## «ҲОСИЛ-88»: «ДАЛА-РЕДАКЦИЯ» ТЕЛЕФОН ЛИНИЯСИДА

*«Совет Ўзбекистони» мухбирлари хабар қиладилар*

✦ СУРХОНДАРЕ

### ДЎСТЛИК ВА МУСОБАҚА РИШТАЛАРИ

**Сурхондарё воҳаси билан қардош Тожикистон республикаси сарҳадлари бир-бирига туташ: «ён қўшни жон қўшни». Улар ўртасидаги дўстлик ришталари йил сайин мустаҳкамланиб, меҳнатдаги анъанавий мусобақа тобора ривожланиб боряпти.**

Ҳар иккала водийда ҳам қимматбаҳо хом ашё — ингичка толали пахта етиштирилади. Мусобақадош дўстларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари бу гал ҳам одатдагидек бир неча кун давомида Сурхон водийси колхоз-совхозларида бўлиб, пахтазорларда, ғаллазорларда, чорвачилик фермалари, сабзавот ва полиз далаларида, боғ-роғларда олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Меҳмонлар Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Раҳмонов, Жданов номли колхознинг Ж. Чориев, Ҳ. Баротов, Ленин номли колхознинг А. Холниёзов, Сариосиё районидаги Ж. Пирназаров номли колхознинг С. Саидов бошлиқ бригадалари ва областнинг бошқа кўплаб хўжаликлари меҳнат коллективлари пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилаётганлигидан, ҳар туп ғўзада ҳозирдаёқ 10-12-15 тагача тўқ кўсаклар мавжудлигидан мамнун бўлдилар.

Айни пайтда мусобақадошлар «бетга айтганнинг заҳри йўқ» қабилида иш тутиб, жойларда йўл қўйилаётган қатор камчиликларни кескин танқид қилдилар. Жумладан, Шўрчи райони хўжаликларида мавжуд сув ресурслари исроф этилаётганлигини ва пайкаллар кўллатиб ҳам, чўллатиб ҳам суғорилаётганлигини кўриб ранжишди. «Ленинобод» колхозида бундай нохуш ҳол айниқса, одат туси олганлигини, Охунбобоев номли колхоз раҳбарлари терим техникаси тайёргарлигига эътиборсиз қараётганлигини, аксарият хўжаликларда чеканка кечикиб кетаётганлигини очиб ташлашди.



АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Қардош тожикистонлик мусобақадошлар область далаларида бўлиб тажрибаларни баҳам кўрмоқдалар. Суратда: Марҳамат районидаги В. В. Куйбишев номли колхоз раиси Муҳаббат Ғуломова, Қўрғонтепа область Кабодиён районидаги Э. Тельман номли колхоз агроучасткаси бошлиғи Умар Сафаров, В. В. Куйбишев номли колхоз бригада бошлиғи Йўлдошали Бўрхонов ва ўзаро текшириш бригадаси бошлиғи, Қўрғонтепа область агросаноат комитети раиси Рустамжон Ёқубовлар фикр алмашмоқдалар.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

✦ ТОШКЕНТ

### Арзигулик тажриба

**Қардош туркманистонлик мусобақадошларнинг Тошкент областига ташрифи ғўза парвариши айни авжига олган паллаларга тўғри келди.**

Меҳмонлар Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг Илҳом Иномов бошлиқ бригадаси далаларида олиб борилаётган қизғин бунёдкорлик ишларидан мамнун бўлишди. Улар ҳар туп ғўзада 8-9 тадан тўқ кўсаклар санашди. Культивация, суғориш, озиқлантириш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар.

— 103 гектар ерда пахта етиштираётган бригада коллективининг ҳар гектар майдондан 32 центнердан ҳосил олишларига тўла кафолат бор, — таъкидлашди меҳмонлар. — Айни пайтда бу ерда йиғим-теримга тайёргарлик ишлари барвақт бошлаб юборилганлиги ҳам таҳсинга лойиқ.

Қардош мусобақадошлар райондаги Вотинцев номли, «Партия XXII съезди» колхозлари ва Султон Сегизбоев номли совхоз дала ҳамда фермаларида бўлиб, аксарият бригадаларда меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг илғор усулларидан кенг фойдаланилаётганлигига, инсон омили биринчи ўринга қўйилганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Айниқса, улар ўзлари бўлган барча хўжаликларда бу йил машина теримига катта эътибор берилаётганлигини алоҳида хурсандчилик билан таъкидлаб ўтишди. Чиндан ҳам бу йил оққўрғонликлар ҳосилнинг камида 80 процентини терим агрегатлари ёрдамида йиғиштириб олишга, мавсумда меҳнатга яроқли барча колхозчи ва совхоз ишчиларини теримга тўла сафарбар этишга, меҳнат коллективларида ҳисоб-китобнинг чек усулини қўллашга бел боғлаганлар.

Меҳмонлар район колхоз ва совхозларида чорва қишловига қандай ҳозирлик кўрилаётганлиги, озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар мароми ва суръати билан қизиқдилар. Айни пайтда айрим хўжаликларда ғўза парвариши, чорва маҳсулотлари етиштириш, алмашлаб экиш сингари кундалик зарбдор ишлар жараёнида йўл қўйилаётган айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Уларни бартараф этиш юзасидан қимматли маслаҳатлар беришди.

Мезбонлар мусобақадошлари билдирган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олишга, уларнинг тажриба ҳамда маслаҳатларига қатъий амал қилишга бел боғладилар.

ҚҚАССР

### ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ ИШЛАР БОР, АММО...

**Қорақалпоғистон автоном республикаси пахтакорлари, шоликорлари, механизаторлари, чорвадорлари ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили план ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришни таъминлаш йўлида деҳқончилик экинларига ишлов беришни ҳамда чорвачиликни ривожлантиришни янада кучайтириш учун август ойини зарбдор ой деб эълон қилдилар. Мақсад — бу йил Ватанга 360 минг тонна пахта, 350 минг тонна шоли ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш.**

Қардош Озарбайжон ССРдан ташриф буюрган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари — Соатлинск районидаги «Адижум» колхози правлениесининг раиси Байроқдоров Расим Рафат ўғли, Мишлинск районидаги Ленин номли колхознинг бош агрономи Куриев Дилсўз Исхак ўғли ва бошқалар автоном республика колхоз-совхозларида бўлиб, дала ҳамда фермаларда олиб борилаётган қизғин бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Меҳмонлар Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Хўжайли районларида ғўза қатор ораларига ишлов бериш суръати ва сифатини кузатдилар. Тўрткўл районидаги Ильич номли, Дмитров номли колхозларда, «Ленинизм», Максим Горький номли совхозларда, Беруний районидаги «Ленинизм», Киров номли хўжаликларда ва Хўжайли районидаги Ленин номли колхозда ғўзаларга агротехника қоидалари асосида ишлов берилаётганлиги уларнинг диққат-эътиборини тортди.

— Бу колхоз ва совхозлардаги кўпчилик бригадаларда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада 6-7 тадан тўқ кўсаклар борлиги, мавжуд гуллар ҳам ёппасига кўсакка айланаётганлиги, зарарли ҳашаротларга ва бегона ўтларга қарши кураш олиб борилаётганлиги таҳсинга лойиқ деб таъкидлашди мусобақадошлар.

Бироқ ҳали ҳамма жойда ҳам ғўза қатор ораларига ишлов бериш талаб даражасида, деб бўлмайди. Энг яхши дейилган колхоз-совхозларнинг ҳам айрим бригадалари ва бўлимларида ниҳоллар парваришида жиддий хатоликларга йўл қўйилмоқда. Культиваторларнинг ишчи органлари тўла ишлатилмаяпти, ёввойи ўтлардан тозаланмаяпти. Чеканкада агротехника қоидаларига риоя қилинмаётир. Ўтлардан тозаланмаётир. Жойларда бостириб суғориш ҳамон давом этмоқда. Пайкаллар машина теримига тайёрланаётгани йўқ.

Автоном республика агросаноати комплекси раҳбарлари, мутахассислари мусобақадошлар маслаҳатларидан тегишли хулосалар чиқариб, ғўза парвариши сифатига алоҳида эътибор берсаларгина план ва социалистик мажбуриятлар бажарилиши мумкин. Йўқса...

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг

## 30—40-йиллар ва 50-йилларнинг бошларидаги даврда содир бўлган репрессиялар билан боғлиқ материалларни қўшимча равишда ўрганувчи

# КОМИССИЯСИДА

Комиссия ўзининг навбатдаги мажлисида «Марксчи-ленинчилар союзи», «Москва маркази», «Советларга қарши бирлашган троцкийчи-зиновьевчилар маркази» ва «Советларга қарши параллел троцкийчилар маркази» деб аталмиш ишлар юзасидан жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни суд орқали оқлаш билан боғлиқ материалларни кўриб чиқди. Мазкур ишлар юзасидан СССР Бош прокурорининг протестларини кўриб чиқиш якунлари тўғрисида СССР Олий судининг ахбороти тингланди.

1932—1933 йилларда Давлат бирлашган сиёсий бошқармаси коллегиясининг қарорлари билан М. Н. Рютин, М. С. Иванов, В. Н. Каюров, Л. Б. Каменев, Г. Е. Зиновьев, П. А. Галкин, В. И. Демидов, П. П. Федоров, Г. Е. Рохкин, П. М. Замятин, Н. И. Колоколов, В. Л. Лисянская, В. Б. Горелов, А. Н. Слепков, Д. П. Марецкий, Н. И. Васильев, Б. М. Пташний, Я. Э. Стэн, П. Г. Петровский, И. С. Розенгауз, Я. В. Старосельский, Б. А. Карнаух, С. В. Токарев, М. И. Мебель, А. В. Каюров, П. А. Сильченко, И. Н. Боргиор, А. С. Зельдин, А. И. Козловский ва М. Е. Равич-Черкасский суд-сўроқсиз жиноий жавобгарликка тортилиб, уларга турли жазо чоралари белгиланган эди.

Уларнинг ҳаммаси Совет ҳокимиятига қарши кураш ва СССРда капитализмни қайта тиклаш мақсадида «Марксчи-ленинчилар союзи» контрреволюцион ташкилотини тузиб, шу ташкилотнинг программавий ҳужжатини тайёрлаганлар ва Советларга қарши фаолият билан актив шуғулланганлар, деб айбланган эдилар.

Мазкур ишлар юзасидан тергов қонунни қўпол равишда бузиб ўтказилганлиги аниқланди. Л. Б. Каменев билан Г. Е. Зиновьевнинг айби умуман кўрсатилмаган. Материалларда жавобгарликка тортилган кишиларнинг Советларга қарши жиноий фаолияти тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Уларнинг программавий ҳужжатда баён этилган сиёсий қарашлари ва назарий фикрларига келганда шуни айтиш кераки, улар мунозара характерида бўлиб, Совет ҳокимиятини ағдаришга, қўпоришга ёки заифлаштиришга даъват қилмаган.

1988 йилнинг июнида СССР Олий суди Давлат бирлашган сиёсий бошқармаси коллегиясининг М. Н. Рютин, М. С. Иванов, В. Н. Каюров, Л. Б. Каменев, Г. Е. Зиновьев, П. А. Галкин, В. И. Демидов, П. П. Федоров, Г. Е. Рохкин, П. М. Замятин, В. Л. Лисянская, В. Б. Горелов, А. Н. Слепков, Д. П. Марецкий, Б. М. Пташний, Я. Э. Стэн, Я. В. Старосельский, Б. А. Карнаух, С. В. Токарев, А. В. Каюров, П. А. Сильченко, И. Н. Боргиор, А. С. Зельдин, А. И. Козловский ва М. Е. Равич-Черкасскийларга нисбатан қарорларини бекор қилди ҳамда уларнинг ҳаракатларида жиноят состави йўқлиги учун ишни тўхтатди.

М. И. Мебель, Н. И. Колоколов, П. Г. Петровский, Н. И. Васильев ва И. С. Розенгауз илгари суд орқали оқланган эдилар.

1937 йилда М. Н. Рютин, Г. Е. Рохкин ва П. М. Замятин худди ўша ва бошқа тўқиб чиқарилган айблар билан яна жиноий жавобгарликка тортилиб, СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси томонидан отишга ҳукм қилинган эдилар. СССР Олий судининг пленуми 1988 йилнинг июнида ана шу кишиларга нисбатан чиқарилган ҳукмларни бекор қилди ва жиноят состави йўқлиги учун уларнинг ишини тўхтатди.

1935 йилнинг 15—16 январида СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси «Москва маркази» деб аталмиш иш юзасидан Л. Б. Каменев, Г. Е. Зиновьев, А. М. Гертик, А. С. Куклин, Б. Н. Сахов, Г. Е. Евдокимов, И. П. Бакаев, Я. В. Шаров, И. С. Горшенин, Н. А. Царьков, Г. Ф. Федоров, С. М. Гессен, И. И. Тарасов, Л. Я. Файвилович, А. В. Герцберг, А. И. Анишев, А. В. Перимов, Б. Л. Браво, А. Ф. Башкировни турли муддатлар билан қамоқ жазосига ҳукм қилган эди.

Улар яширин контрреволюцион ташкилот тузишда айбландилар, Г. Е. Зиновьев шу ташкилотнинг бош раҳбари деб ҳисобланди. Ташкилотга партия ва ҳукумат раҳбарларига нисбатан террорчилик хуружларини амалга ошириш мақсади бор, С. М. Кировни ўлдиришни тайёрлашда қатнашган, деган айб тўнкалган эди.

Ишни текшириш шуни кўрсатдики, унга доир материаллар сохталаштирилган экан. Бу кишилар жиноий ташкилотни тузишмаган, Советларга қарши фаолият билан шуғулланишмаган.

СССР Олий судининг пленуми Г. Е. Зиновьев, А. М. Гертик, А. С. Куклин, Б. Н. Сахов, Г. Е. Евдокимов, И. П. Бакаев, Я. В. Шаров, И. С. Горшенин, Н. А. Царьков, С. М. Гессен, И. И. Тарасов, Л. Я. Файвилович, А. В. Герцберг, А. И. Анишев, А. В. Перимов, Л. Б. Каменев, Б. Л. Браво ва А. Ф. Башкировга нисбатан иш юзасидан ҳукмни бекор қилди ҳамда уларнинг ҳаракатларида жиноят состави йўқлиги учун ишни тўхтатди.

Г. Ф. Федоров 1965 йилда оқланган эди.

«Советларга қарши бирлашган троцкийчи-зиновьевчилар блоки» деб аталмиш блок тўғрисидаги ишни СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси 1936 йилнинг 19—24 август кунлари очиқ суд мажлисида кўриб чиққан эди. Шу иш юзасидан Г. Е. Евдокимов, И. П. Бакаев, С. В. Мрачковский, В. А. Тер-Ваганян, И. Н. Смирнов, Е. А. Дрейцер, И. И. Рейнгольд, Р. В. Пикель, Э. С. Гольцман, Фриц-Давид (И.-Д. И. Круглянский), В. П. Ольберг, К. Б. Берман-Юрин, М. И. Лурье, Н. Л. Лурье, шунингдек, яна жиноий жавобгарликка тортилган Г. Е. Зиновьев ва Л. Б. Каменевлар олий жазога ҳукм қилинган эдилар.

Бу кишилар Советларга қарши жосуслик, зараркунандалик ва террорчилик ишларини қилганликда, С. М. Кировнинг ўлдирилишига ҳамда партия ва ҳукумат раҳбарларига қарши террорчилик хуружларини тайёрлашга дахлдорликда айбланиб, ҳукм қилинган эдилар.

Ишнинг материалларини синчиклаб анализ қилиш улар ҳам асоссиз ҳукм қилинганликларини кўрсатди. СССР Олий судининг пленуми СССР Бош прокурорининг протестини қондирди, ҳукмни бекор қилди ва Г. Е. Зиновьев, Л. Б. Каменев, Г. Е. Евдокимов, И. П. Бакаев, С. В. Мрачковский, В. А. Тер-Ваганян, И. Н. Смирнов, Е. А. Дрейцер, И. И. Рейнгольд, Р. В. Пикель, Э. С. Гольцман, Фриц-Давид (И.-Д. И. Круглянский), В. П. Ольберг, К. Б. Берман-Юрин, М. И. Лурье ва Н. Л. Лурьеларнинг ҳаракатларида жиноят состави йўқлиги учун ишни тўхтатди.

СССР Олий суди пленумининг қарорига мувофиқ Л. Б. Каменев «Кремль иши» деб аталмиш иш юзасидан ҳам оқланди, у 1935 йилнинг 27 июлида шундай иш юзасидан ҳукм қилинган эди.

1937 йилнинг 30 январида СССР Олий суди ҳарбий коллегияси очиқ мажлисда Ю. Л. Пятаков, Л. П. Серебряков, Н. И. Муралов, Я. Н. Дробнис, Я. А. Лившиц, М. С. Богуславский, И. А. Князев, С. А. Ратайчак, Б. О. Норкин, А. А. Шестов, И. Д. Турок, Г. Е. Пушин, И. И. Граше отишга, Г. Я. Сокольников, К. Б. Радек, В. В. Арнольд ва М. С. Строилов турли муддатлар билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилган эди. Кейинчалик В. В. Арнольд ва М. С. Строилов сиртдан чиқарилган ҳукмга биноан отилган эдилар.

Уларни «Советларга қарши параллел троцкийчилар маркази» деб аталмиш марказни тузишда ва унга мансубликда, сотқинлик, жосуслик, қўпорувчилик-зараркунандалик ва террорчилик ишларида айблаб ҳукм қилишганди.

Мана шу кишиларга қўйилган айблар асоссиз бўлганлиги, иш материаллари эса тўқиб чиқарилганлиги аниқланди. «Советларга қарши параллел троцкийчилар маркази»нинг ўзи ҳам бўлмаган.

СССР Олий судининг пленуми Ю. Л. Пятаков, Я. А. Лившиц, Я. Н. Дробнис, С. А. Ратайчак, А. А. Шестов, Г. Я. Сокольников, К. Б. Радек ва В. В. Арнольдга нисбатан ҳукмни бекор қилиб, уларнинг ҳаракатларида жиноят состави йўқлиги учун ишни тўхтатди.

Илгари СССР Олий суди Л. П. Серебряков, Н. И. Муралов, М. С. Богуславский, И. А. Князев, Б. О. Норкин, И. Д. Турок, Г. Е. Пушин, И. И. Граше ва М. С. Строиловни суд орқали оқлаган эди.

СССР Олий судининг мазкур ишларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги ҳамда қонунга хилоф равишда репрессия қилинган кишилар суд орқали оқланганлиги ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг комиссияси ўз ишини давом эттирмоқда.

